
Назм ва наво | Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллиги кенг нишонланди

Фурқат тумани маданият бўлими қошидаги "Қувонч" ашула ва рақс дастаси томонидан жорий йилнинг 9 ва 10 - феврал кунлари 12-сонли Болалар муסיқа ва санъат мактабида шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган "Назм ва наво" адабий муסיқали театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди.

Концерт давомида мумтоз муסיқамизнинг энг сара асарлари, куйга хамоханг гўзал рақслар, шу билан бирга эстрадамизнинг дилтортар тароналари томошабинлар эътиборига хавола этилиб, концерт дастурига туманнинг барча маҳаллалардан аҳоли вакиллари, умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқитувчилари, ижодкор ёшлар жалб этилди.

Санъат ихлосмандлари жонли ижрода айтилган мумтоз куй қўшиқларни иштиёқ ва олқишлар билан қарши олдилар. Концерт шўх куй қўшиқ ва рақсларга уланиб кетди.

Тумандаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида, касб-ҳунар мактабларида буюк мутафаккир шоирларимиз таваллудига бағишланган тадбирлар, адабий бадиий кечалар ўтказилиши давом этади.









2024-02-12 08:36:46